

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

«РЎЙХАТГА ОЛИНДИ»

№ ВМ - 343 - 3400 - 3.11

«09» ___ 08 ___ 2003 й.

«ТАСДИҚЛАНДИ»

Ўзбекистон Республикаси

Олий ва ўрта махсус

таълим вазирлиги

С.Тулянов

«1» июль 2003 й.

«МОЛИЯ БОЗОРИ ВА ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР»

фанидан

ДАСТУР

**340000 - “Бизнес ва бошқарув” таълим соҳасидаги барча бакалаврият
йўналишлари учун**

Тузувчи: и.ф.н., доц. Ш.Ш.Шохаъзамий

Такризчилар: В.Д.Жураев

Доцент А.С. Исмоилов

И.ф.н. А.А.Абдураимов

Ушбу дастур Ўзбекистон Республикаси «Таълим тўғрисида» ги қонунига ва Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 16 август, 343 - сонли қарорига асосан, ҳамда уларнинг негизида ишлаб чиқилган бакалавриятнинг «Бизнес ва бошқарув» таълим соҳалари бўйича Давлат таълим стандартлари талаблари доирасида тайёрланган. Дастурда фаннинг назарий, услубий ва амалий мавзулари ва масалалари етарли ёритилган. Дастур доирасида фанни ўрганиш замонавий педагогик, ўқув - услубий, илмий ва амалий технологияларга асосланади. Дастур иқтисодий йўналишдаги бакалавриатура талабаларини ўқитишга мўлжалланган.

Настоящая программа подготовлена на основе Закона Республики Узбекистан «Об образовании» и постановления Кабинета Министров от 16 августа 2001 г., №343, а также разработанных на их основе Государственных Стандартов по экономическим направлениям образования. В программе в достаточной мере освещены теоретические, методологические и практические темы и вопросы дисциплины. Изучение дисциплины в рамках программы основывается на современных педагогических, учебно - методических, научных и практических технологиях. Программа предназначена для обучения студентов бакалавриатуры экономических направлений.

This program was prepared according to the law of the Republic of Uzbekistan “About Education” and to the enactment of the Cabinet of Ministers (from August 16, 2001, №343), as well as according to the State Educational Standards, created on basis of the aforementioned laws. Theoretical, methodological, practical themes and issues of the discipline were sufficiently stated in the program. According to the program, studies of the discipline are based on the up - to - date pedagogical, educational, methodological, scientific, and practical technologies. The program is designed for tuition of students’ of economical directions.

1. СЎЗ БОШИ

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида» ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури» да ҳар томонлама туквабар камол кадрларни тайёрлашлари давлат сиёсатининг густвуор йўналиши деб белгиланган. Ушбу ишларни амалга ошириш борасида Вазирлар Маҳкамасининг

2001 йил, 16 август, 343 - сонли қарорига асосан ишлаб чиқилган бакалавриятнинг таълим соҳалари бўйича Давлат таълим стандартлари жорий қилинди. Амалдаги стандартлар асосидан тайёрланган дастур «Молия бозори ва қимматли қоғозлар» фанининг назарий, услубий, амалий мавзуларига масалаларини ўзичига олган бўлиб, фанни ўрганишнинг замонавий педагогик, ўқув - услубий, илмий ва амалий технологияларга асосланади. Дастур иқтисодий йўналишдаги бакалаврият талабаларини ўқитишга мўлжалланган.

Ўқитишнинг мақсади, вазифаси ва бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги

Ўқитишнинг мақсади талабаларга молия бозори ва қимматли қоғозлар соҳасидаги фаолиятнинг умумлаштирилган назарий, методологик ва амалий билим ва кўникмаларини бериш ҳисобланади.

Ўқитишнинг вазифаси талабаларни молия бозори ва қимматли қоғозлар соҳаси бўйича илмий - тадқиқот, илмий - педагогик ҳамда амалий - ишлаб чиқариш фаолиятга тайёрлашдан иборат.

«Молия бозори ва қимматли қоғозлар» фани бакалаврият йўналишлари учун асосий фанларидан бири бўлиб, бу бошқа фанларга асосланади ва улар билан узвий боғланган.

Талабалар билими, ўқуви ва кўникмасига қўйиладиган талаблар

Талабалар фанни ўрганиш натижасида фанни ўқитишдан кўзланган мақсад ва вазифаларга эришишлари лозим, шу доирада олган билим, ўқув ва кўникмаларини илмий - тадқиқот ва амалий - ишлаб чиқариш фаолиятларида кўрсатилган таълим йўналишлари бўйича Давлат таълим стандартларида талаб қилинганидек самарали қўллаш олишлари керак.

Фанни ўқитишдаги янги технологиялар

Талабаларга замонавий усулда фанни ўргатиш ва уларнинг билимини баҳолаш учун қуйидаги технологиялар ва материаллардан фойдаланилади:

- - талабаларни аудиторияда ва аудиториядан ташқари ўқитишнинг, мустақил таълимнинг педагогик илғор усуллари;
- - ўқитишнинг техник воситалари, ўқув фильмлари, слайдлар, дидактик материаллар, плакатлар, тестлар, амалий масалалар, иш ўйинлари, кўргазмали қуроллар, электрон шаклдаги материаллар, статистик ахборот, тарқатма - ўқув материаллари, методик кўрсатмалар, янги дарсликлар, маъруза матнлари, монографиялар;

- - тегишли қонуний ва меъёрий ҳужжатлар;
- - фан бўйича халқаро ва Ўзбекистон тажрибасига оид тегишли материаллар;
- - компьютер - ахборот технологиялари, махсус дастурлари ва ИНТЕРНЕТ ёрдамида фанга тегишли билим ва материаллар;
- - талабалар билимини мунтазам жорий, оралиқ ва якуний баҳолашда сўров, рефератлар ёзиш, тест - текширув, амалий масалалар ечтириш усулларидан фойдаланиш;
- - иқтидорли талабаларга фан доирасида чуқурроқ, қўшимча ва мустақил ишлашлари учун шароитлар яратиб бериш;
- - мутахассисларнинг илмий - амалий мақолалари, молия бозори (МБ) ва қимматли қоғозлар бозори (ККБ) бўйича расмий ахборот бюллетенлари ва ҳисоботлар.

Фанни ўқитиш бўйича услубий кўрсатмалар

«Молия бозори ва қимматли қоғозлар» фани бакалавриатуранинг барча иқтисодий йўналишлари мутахассисликларида V ва VI семестрда 36 ҳафта (ҳар семестрда 18 ҳафтадан) давомида ушбу дастурга асосан ўқитилади.

Фанни ўқитиш мобайнида ушбу дастурнинг фанни ўқитишдаги янги технологиялар бандида келтирилган материаллар ва технологиялар услубий кўрсатмалар сифатида қабул қилиниши мумкин.

Фанни ўрганиш маъруза ва амалий машғулот шаклида аудиторияда ўтиш усули билан амалга оширилади. Талабалар аудиторияда олган назарий ва амалий билимларини мустақамлаши учун мустақил таълим киритилган ҳамда уй вазифаларини бажарадилар. Уларнинг олган билимларини баҳолашнинг тест - синов, оралиқ, жорий ва якуний баҳолаш усуллари қўлланилади. Ўқув жараёни рейтинг тизими асосида ташкил қилинади ва улар ўқитувчилар томонидан баҳоланади.

Умумий ва ўқув ишлари турлари бўйича соатлар ҳажми

Давлат таълим стандартларида «Молия бозори ва қимматли қоғозлар» фанига жами 216 соат ҳажмда вақт ажратилган. Шундан, 144 соат (72 соат маъруза, 72 соат амалий машғулот) аудитория машғулотларига, 72 соат мустақил таълимга ажратилган. Маъруза ва амалий машғулот ҳамда мустақил таълим ўқитувчилар раҳбарлигида аудиторияда ўтилади.

2. ФАН ДАСТУРИ

Молия бозори (МБ) ва қимматли қоғозлар бозори (ҚҚБ)нинг назарий асослари

МБ ва ҚҚБнинг пайдо бўлиши шароити, моҳияти, тарихи ретроспективаси. МБ ва ҚҚБнинг иқтисодийдаги роли, вазифалари функциялари.

МБ ва ҚҚБ нинг иқтисодий, методологик ва ҳуқуқий асослари. МБ структураси ва унинг сегментларининг характеристикаси. МБ ва ҚҚБ нинг сегментларини ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсири.

МБ ва ҚҚБнинг структуравий - функционал моделлари ва эффективлиги критерийси асосида ифодалаш ва таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда МБ ва ҚҚБнинг пайдо бўлиши тарихи ва шароити. Ўзбекистонда жамият тизими ва иқтисодий модели тамойилларига мувофиқ МБ ва ҚҚБ шаклланишининг ижтимоий - иқтисодий ва ҳуқуқий хусусиятлари. Ўзбекистонда МБ ва ҚҚБнинг структура ва босқичлари шаклланиши. Ўзбекистонда МБ ва ҚҚБ сегментларининг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсири. МБ ва ҚҚБнинг глобализацияланиш асослари;

Хусусийлаштириш асослари. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат мулкни хусусийлаштириш

Хусусийлаштиришнинг мақсади ва моҳияти, тарихий ретроспективаси. Иқтисодийда, мамлакат МБини ва мулкдорлар синфини шаклланишида хусусийлаштиришнинг роли, вазифалари ва функциялари.

Хусусийлаштириш жараёнларининг иқтисодий, методологик ва ҳуқуқий асослари. Хусусийлаштириш жараёнининг узлуксизлиги. Хусусийлаштириш усуллари. *Хусусийлаштиришнинг жаҳон тажрибаси. Иқтисодиёти ривожланган давлатларда хусусийлаштириш. Иқтисодиёти ўтиш давридаги мамлакатларда хусусийлаштириш.*

Иқтисодийда хусусийлаштириш хизматлари моҳияти, ўрни ва вазифалари. Хусусийлаштиришда мол - мулкни баҳолаш институтлари ва усуллари (баланс, инвестицион, бозор), уларни қўллаш хусусиятлари. Хусусийлаштиришда мулкдорларга мол - мулк бериш усуллари (бепул, имтиёзли, аукцион, тендер) ва уларни қўллаш хусусиятлари.

Ўзбекистонда хусусийлаштириш жараёнларининг тарихи, шарт - шароитлари, босқичлари ва хусусиятлари. *Ўзбекистонда хусусийлаштиришнинг иқтисодий, методологик ва ҳуқуқий асослари.* Ўзбекистонда хусусийлаштиришда қўлланиладиган мулкни баҳолаш ва мол -

мулкни бериш усуллари. Хусусийлаштирилгандан кейинги даврда корхоналарни қўллаб - қувватлаш ва уни амалга ошириш усуллари ва хусусиятлари. *Давлат Мулки Қумитаси, унинг роли ва вазифалари.*

МБ ва ҚҚБ инструментлари

МБ инструментлари пайдо бўлиши ва ривожланишининг тарихий ретроспективаси, уларнинг ўрни, вазифалари ва функциялари. МБдаги фаолият йўналишлари бўйича МБ инструментларининг тавсифи, характеристикалари ва умумий классификацияси (таснифлаш). МБнинг муомалада айланувчи ва айланмас инструментлари. МБнинг эмиссион ва ноэмиссион инструментлари.

Улуш муносабатларини ифода этувчи (улушли) қимматли қоғозлар, уларнинг моҳияти, ўрни, вазифалари ва функциялари. *Улушли қимматли қоғозларлар ва уларнинг турларини классификациялаш.* Улушли қимматли қоғозларни чиқариш ва муомалада айланиши. Улушли қимматли қоғозларларнинг қиймати (баҳоси, нархи), даромадлилиги ва инвестицион сифати. Акциялар билан боғлиқ операциялар, уларни амалга ошириш схема ва механизмлари. Ўзбекистонда акцияларни чиқариш ва муомалада бўлиши хусусиятлари.

Қарз муносабатларини ифодаловчи қимматли қоғозлар (облигация, вексель, хазина мажбуриятлари, банк сертификати), уларнинг моҳияти, ўрни, вазифалари ва функциялари. *Қарз муносабатларини ифодаловчи қимматли қоғозларни ва уларнинг турларини (давлат, корпоратив, банк, муниципал) таснифлаш.* Қарз муносабатларини ифодаловчи қимматли қоғозлар чиқариш ва уларнинг муомалада айланиши. Қарз муносабатларини ифодаловчи қимматли қоғозлар қиймати, даромадлилиги ва инвестицион сифати. Қарз муносабатларини ифодаловчи қимматли қоғозлар билан операцияларни бажариш схемалари ва механизмлари. Ўзбекистонда қарз муносабатларини ифодаловчи қимматли қоғозларни чиқариш ва муомалада айланиши хусусиятлари.

Ҳосилавий қимматли қоғозлар, уларнинг моҳияти, ўрни, вазифа ва функциялари. *Ҳосилавий қимматли қоғозлар (опцион, фьючерс, варрант, СВОП, депозитар тилхат) ва уларнинг турларини таснифлаш.* Ҳосилавий қимматли қоғозларни чиқариш ва уларнинг муомалада айланиши. Ҳосилавий қимматли қоғозлар қиймати, даромадлилиги ва инвестицион сифатлари. Ҳосилавий қимматли қоғозлар билан операциялар бажариш схемалари ва механизмлари. Ўзбекистонда ҳосилавий қимматли қоғозлар чиқариш ва уларнинг муомалада айланиши истиқболлари ва хусусиятлари.

МБ ва ҚҚБ қатнашчилари

МБ ва ҚҚБ инструментлари эмитентларини таснифлаш, уларнинг иқтисодиётдаги ўрни, вазифалари ва функциялари. Эмиссия сиёсати ва эмитентлар рейтинги. Ўзбекистон МБида эмитентлар фаолияти;

МБ ва ҚҚБида инвесторлар. Инвесторларни таснифлаш, уларнинг иқтисодиётдаги ва МБидаги ўрни, вазифалари ва функциялари. Инвестиция фаолияти, инвестициялар турлари. Ўзбекистонда инвестицион фаолияти хусусиятлари;

МБ ва ҚҚБ малакали қатнашчилари. МБ ва ҚҚБ профессионал қатнашчиларини таснифлаш, уларнинг характеристкалари, МБ ва ҚҚБидаги ўрни, вазифалари ва функциялари. Давлатнинг инвестицион ва молиявий институтларининг профессионал фаолияти. Ўзбекистон МБ ва ҚҚБида профессионал қатнашчиларнинг фаолияти хусусиятлари;

Фонд биржалари ва биржавий операциялар

Иқтисодиётда ва МБида фонд биржаларининг роли, вазифалари ва функциялари. Фонд биржаларининг турлари, структураси ва қатнашчилари. Биржанинг фаолияти механизми.

Қимматли қоғозлар билан биржавий операциялар бажариш механизми ва схемалари. Биржа котировкаси, листинги ва индекслари;

«Тошкент» Республика Фонд Биржаси ва Республика Валюта Биржаси, уларнинг ўрни, вазифалари, структураси, функциялари ва иштирокчилари, уларда операциялар бажариш механизми ва схемалари. Ўзбекистонда биржаларнинг ривожланиши ҳолати ва истиқболлари.

Халқаро даражада интеграциялашган фонд биржалари тизими, уларнинг иқтисодиётдаги ва жаҳон МБидаги ўрни, вазифалари ва функциялари. (30 гуруҳи тавсияномалари).

МБ ва ҚҚБида nobиржавий операциялар ва электрон савдо тизимлари

Иқтисодиётда ва МБида қимматли қоғозларнинг nobиржавий бозори функциялари, вазифалари ва ўрни. Nobиржавий бозор турлари ва инфратузилмаси. Электрон савдо - сотиқ тизимлари ва уларнинг қатнашчилари.

Қимматли қоғозлар билан нобиржавий операциялар механизми ва схемалари, уларни бажариш. Нобиржавий электрон савдосида котировкалар ва индекслар.

Ўзбекистонда "Элсис - савдо" тизими, унинг ўрни, вазифалари, структураси, функциялари ва иштирокчилари, унда операциялар бажариш механизми ва схемалари. Ўзбекистонда нобиржавий бозорнинг ривожланиш ҳолати ва истиқболлари;

Электрон савдо - сотиқ тизимларининг халқаро даражада интеграцияланиши, уларнинг жаҳон МБдаги ўрни, вазифалари ва функциялари;

МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштириш асослари

МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштиришнинг ўрни, мақсади ва вазифалари. МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштиришнинг назарий, методологик ва ҳуқуқий асослари. Мувофиқлаштириш усуллари (маъмурий, корпоратив ва индикатив). МБ ва ҚҚБни индикатив усулда мувофиқлаштиришни талқин қилиш;

Мувофиқлаштириш институтлари (давлат ва ўз - ўзини мувофиқлаштириш ташкилотлари), уларнинг ўзаро боғлиқлиги;

Ўзбекистонда МБ ва ҚҚБни мувофиқлаштириш институтлари, механизми, хусусиятлари. Молия Вазирлиги, Марказий Банк, Қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази, уларнинг ўзаро боғлиқлиги, МБ ва ҚҚБдаги ўрни, функциялари ва вазифалари. Ўзбекистон МБ ва ҚҚБда ўз - ўзини мувофиқлаштириш ташкилотлари.

Инвесторларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялаш ва корпоратив бошқарув асослари.

МБ ва ҚҚБда рискларни бошқариш асослари

Рискларнинг табиати ва моҳияти. *МБ ва ҚҚБдаги рискларни таснифлаш. Рискларни баҳолаш усуллари.*

Рискларни бошқариш ва пасайтириш усуллари ва механизмлари. МБ инструментлари билан боғлиқ операцияларни, МБ ва ҚҚБдаги фаолиятни суғурталаш. ҚҚБда хеджирлаш;

Ўзбекистон МБ ва ҚҚБдаги рисклар, уларнинг пайдо бўлиш табиати, камайитириш институтлари ва усуллари.

3. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАРНИНГ НАМУНАВИЙ МАВЗУСИ

Молия бозори (МБ) ва қимматли қоғозлар бозори (ҚҚБ) асослари

МБ ва ҚҚБнинг тарихий шаклланиши, иқтисодиётдаги роли, вазифалари ва функцияларининг таҳлили.* МБи орқали ресурсларни иқтисодиётдаги ҳаракати моделини таҳлил қилиш. МБ нинг структуравий - функционал модели таҳлили, МБ ининг валюта ҚҚБи сегментининг таҳлили, МБ ининг капиталлар (инвестицион, товар, савдовий) ҚҚБи сегментининг таҳлили; МБи сегментларининг ўзаро боғлиқлиги ва ўзаро таъсирининг таҳлили, Ўзбекистонда МБ ва ҚҚБнинг пайдо бўлиши тарихи ва шароитининг таҳлили;* МБ ва ҚҚБнинг жаҳон миқёсида глобализацияланиши шароитларининг таҳлили;*

Хусусийлаштириш асослари. Ўзбекистонда бозор иқтисодиётига ўтиш даврида давлат мулкни хусусийлаштириш

Хусусийлаштиришнинг жаҳон тажрибасини ва унда қўлланилган усуллар.* Ўзбекистондаги хусусийлаштириш жараёнлари ва шу асосда шаклланган мулкдорлар синфи самарасини баҳолаш. Хусусийлаштирилаётган мулкни баҳолаш усулларининг амалий қўлланилишини.* Хусусийлаштирилган объектларни Республика Кўчмас Мулк Биржаси ва «Тошкент» РФБ орқали сотиш тартиблари. Хусусийлаштириш негизда акциядорлик жамиятига айлантирилаётган корхонанинг устав фондини шакллантириш ва акцияларини жойлаштириш тартиби.

Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки Қўмитасининг ташкилий - функционал структурасини, родини, вазифаларини ва фаолияти самарасини таҳлил қилиш.

Хусусийлаштирилгандан кейинги даврда корхоналарни қўллаб қувватлашнинг Ўзбекистон тажрибаси.*

МБ ва ҚҚБ инструментлари

Валютага эгиз қимматли қоғозлар туркумининг хусусиятлари. Реал капиталларга эгиз қимматли қоғозлар туркумининг хусусиятлари. Оддий ва мураккаб фоиз ставкаларни ҳисоблаш усуллари.* Қимматли қоғозларнинг техник таҳлили усули.* Қимматли қоғозларнинг фундаментал таҳлили усули.* Акциялар баҳосини ва даромадлигини ҳисоблаш. Акцияларни муомалага чиқариш тартибини ўрганиш ва эмиссия рисоласини таҳлил қилиш. Давлат қисқа муддатли облигацияларининг даромадлигини ҳисоблаш ва баҳолаш. Давлат ўрта ва узоқ муддатли облигацияларининг даромадлигини ҳисоблаш ва баҳолаш. Муниципал облигацияларнинг даромадлигини ҳисоблаш ва баҳолаш. Корпоратив облигацияларнинг муомалага чиқариш тартиби ва эмиссия рисоласининг таҳлили. Корпоратив облигациялар баҳосини ва

даромадлигини ҳисоблаш. Векселлар баҳосини ва даромадлигини ҳисоблаш. Опционлар баҳосини ва даромадлигини ҳисоблаш. Фьючерслар баҳосини ва даромадлигини ҳисоблаш. СВОП баҳосини ва даромадлигини ҳисоблаш. Депозитар тилхатлар баҳосини ва даромадлигини ҳисоблаш.

МБ ва ҚҚБ қатнашчилари

Эмитентларнинг (компания ва банкларнинг) молиявий аҳволини баҳолаш. Компанияларнинг эмиссия ва дивиденд стратегияларини таҳлил қилиш.* Марказий Банкнинг эмиссия стратегияларини таҳлил қилиш. Тижорат банкларининг эмиссия ва дивиденд стратегияларининг таҳлили. Компанияларнинг инвестиция стратегияларининг таҳлили.* Тижорат банкларининг инвестиция стратегияларини таҳлил қилиш. Давлатнинг инвестиция стратегияларини таҳлил қилиш. Инвестиция институтлари бўлмиш дилерларнинг эмиссия, дивиденд ва инвестиция стратегияларини таҳлил қилиш. Депозитар, реестр, клиринг хизматлари технологияси. Траст операциялари ва хизматлари. Фонд биржалари ва биржавий операциялар. «Тошкент» Республика Фонд Биржасининг структураси, фаолияти ва ундаги биржа иштирокчиларига бўлган тартиб - талаблар. Республика Валюта Биржасининг структурасини, фаолиятини ва ундаги биржа иштирокчиларига бўлган тартиб - талаблар. Қимматли қоғозларнинг биржавий экспертизаси тартиби. Биржавий савдо жараёнида маклериатнинг фаолият тартиби. Листинг тартиби.

Қимматли қоғозлар билан боғлиқ биржавий савдо операцияларни амалга ошириш.*

Биржадаги брокерлик идоралари ва трейдерлар фаолиятининг таҳлили.

Биржавий котировкалар ва индексларни таҳлил қилиш.*

МБ ва ҚҚБда нобиржавий операциялар ва электрон савдо тизимлари

Нобиржавий электрон савдо тизими «Элсис - савдо» структураси, фаолияти ва ундаги иштирокчиларига бўлган тартиб - талаблар.

Қимматли қоғозлар билан нобиржавий операциялар бажариш механизми ва схемалар.*

Нобиржавий электрон савдосида акциялар котировкаси ва индексларини таҳлил қилиш;

Ўзбекистонда нобиржавий бозорнинг ривожланиши ҳолати ва истиқболларини таҳлил қилиш ва самарасини баҳолаш;

Чет эл (АКШ, Япония, Европа ва бошқалар) электрон котировка тизимлари.

МБ ва ҚҚБини мувофиқлаштириш асослари

Ўзбекистондаги МБ ва ҚҚБини мувофиқлаштирувчи қонуний ва меъёрий ҳужжатлар таҳлили.

Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки, Молия вазирлиги ва қимматли қоғозлар бозорини мувофиқлаштириш ва баҳолаш давлат органининг МБ ва ҚҚБини тартибга солишдаги ўрни, мақсади ва вазифалари.

МБ ва ҚҚБини мувофиқлаштиришнинг жаҳон тажрибасидаги институтлари ва усуллари (маъмурий, корпоратив ва индикатив).*

Ўзбекистонда МБ ва ҚҚБини мувофиқлаштиришдаги Банклар Миллий Ассоциацияси ва Инвестиция институтлари Миллий Ассоциацияси фаолияти самарасини таҳлил қилиш;

Ўзбекистондаги корпоратив бошқариш механизми самарасининг таҳлили.*

МБ ва ҚҚБида рискларни бошқариш асослари

Ўзбекистон МБ ва ҚҚБидаги рискларнинг пайдо бўлиш табиати ва моҳияти. Рискларни баҳолаш ва бошқариш усуллари. ҚҚБидаги фаолиятни суғурталаш. Биржавий операцияларни хеджирлаш.

Портфел инвестициялар рискларини таҳлил қилиш ва баҳолаш.*

4. ТАВСИЯ ЭТИЛГАН МАВЗУЛАР БЎЙИЧА КЎРГАЗМА - НАМОЙИШ МАТЕРИАЛЛАРИ, ЎҚУВ ФИЛЬМЛАРИ ВА БОШҚА ДИДАКТИК МАТЕРИАЛЛАР

Ушбу дастурнинг фанни ўқитишдаги янги технологиялар, фанни ўқитиш семестрлари ва услубий кўрсатмалар бандларида кўрсатилганларнинг тегишлилари қўлланилиши, ҳамда керакли ташкилотларнинг сайт ва электрон почталаридан фойдаланиш мумкин. Бунда керакли ташкилотларнинг сайт ва электрон почталари кафедра томонидан берилиб борилади.

Тавсия этиладиган сайтлар:

1. Фонд биржаларининг халқаро федерацияси <http://www.fibv.com/>
2. Қимматли қоғозлар бўйича комиссияларнинг халқаро ташкилоти <http://www.iosco.org/>

3. АҚШ Қимматли қоғозлар ва биржалар бўйича комиссияси <http://www.sek.gov/>
4. Европа иттифоқи директиваларининг тўлиқ матни <http://www.europa.eu.int/>
5. Франциянинг биржавий операциялари бўйича комиссияси <http://www.cob.fr/>
6. Италиянинг фонд бозори бўйича комиссияси CONSOB <http://www.consob.it/>
7. Испаниянинг фонд бозори бўйича миллий комиссияси CNMV <http://www.cnmv.es/>
8. Австралиянинг қимматли қоғозлар ва инвестициялар бўйича комиссияси ASIC <http://www.asic.gov.au/>
9. Ўзбекистон Республикаси Давлат Марказий Депозитарийси <http://www.deponet.uz/>
10. «Тошкент» РФБ <http://www.uzse.com/>
11. Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулки Қумитаси қошидаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва баҳолаш Маркази <http://www.atm.uz/>
12. Журнал «Рынок ценных бумаг» (РФ) <http://www.rcb.ru/>
13. ОЭСР <http://www.oecd.org/>
14. Европа инвестиция банки European Investment Bank <http://www.eib.org/>
15. Европатикланишватараққийётбанки European Bank for Reconstruction and Development <http://www.ebrd.com/>
16. Европа ва Осиёмамлакатлари фондбиржалари Федерацияси Federation of Euro - Asian Stock Exchanges <http://www.feas.org/>
17. Европа фондбиржалари Федерацияси Federation of European Stock Exchanges <http://www.fese.be/>
18. Шимолий Америка фондбиржалари Федерацияси Federacion Iberoamericana de Bolsas de Valores <http://www.fiabv.org/>
19. Меррил Линч Merrill Lynch <http://www.ml.com/>
20. Морган Стэнли Morgan Stanley <http://www.ms.com/>
21. Джи.Пи.Морган J.P.Morgan & Co. <http://www.jpmorgan.com/>
22. Буюк Британия, Молиявийхизматлар бўйича Кенгаш The Financial Services Authority <http://www.fsa.gov.uk/>
23. Германия, Қимматли қоғозларвафьючерсларбўйичаКомиссия Bundesaufsichtsamt fur den Wertpapierhandel <http://www.bawe.de/>
24. Гонконг, Қимматли қоғозларвафьючерсларбўйичаКомиссия Securities and Futures Commission <http://www.hksfc.org.hk/>
25. ХХР, Хитойфонд бозорибўйича Комиссия China Securities Regulatory Commission <http://www.csrc.gov.cn/>

26. Малайзия, Қимматли қоғозлар бўйича Комиссия Securities Commission <http://www.sc.com.my/>
27. Россия Федерацияси, Қимматли қоғозлар бўйича Федерал комиссия <http://www.fedcom.ru/>
28. Япония, Молия Вазирлиги <http://www.mof.go.jp/>

Рейтинг агентликлари:

29. Moody*s Investors Service <http://www.moody.com/>
30. Standard & Poor*s <http://www.standardpoor.com/>
31. Fitch IBCA <http://www.fitchibca.com/>
32. Duff & Phelps Credit Rating Co. <http://www.dcrco.com/>
33. *Илмий тадқиқот ташиқлотлари ва консалтинг фирмалари:*
34. Брайан Тэйлор тадқиқотлари Global Financial Data <http://www.globalfindata.com>
35. Иқтисодий тадқиқотлар Миллий бюроси (АҚШ) National Bureau of Economic Research <http://www.nber.org/papers/byprog/>
36. Акциялар Немис институти Deutsches Aktieninstitut e.V. <http://www.dal.de/>
37. Internet Trading Group <http://www.internettrading.ru/>

Ахборот агентликлари:

38. Dow Jones Co. <http://www.dowjones.com/>
39. Reuters <http://www.reuters.com/>
40. Telesock <http://www.teleserv.co.uk/>

5. ЎЗЛАШТИРИШНИ БАҲОЛАШИ

Ушбуфан бўйича ўқув режадажами 216 соатажратилган бўлиб, шундан 72 соатмаъруза, 72 соатамалийиш, 72 соатмустақилтаълим. Ўқувжараёнида вомидаталабатўплашимумкин бўлган максималбалл 144 гатенг бўлиб, шундан жорий баҳолашга 50.4 балл, оралик баҳолашга 50.4 балл ваякуний баҳолашга 43.2 баллажратилади. «қзма иш» вариантлар бўйича тузилиб, у ўқув дастурига тўлиқ мос келиши таъминланади ва талабалар рейтинг тизими асосида белгиланади.

Жорий ва оралик баҳолаш турлари учун фанга белгиланган баллар миқдори ўқув режаси бўйича ҳар семестрда ажратилган соатнинг 70 фоизи доирасида белгиланади. Ўқитилаётган фанга масъул бўлган кафедранинг

қарори билан мавзуларнинг мураккаблигига ва зарурийлигига қараб баллар қуйидаги кўрсаткичлар бўйича аниқланади:

- - талабанинг ўқув жараёнидаги давомати ва фаоллиги;
- - амалий машғулотларга тайёргарлик даражаси;
- - фан бўйича қонуний ва меъёрий ҳужжатларни конспектлаш;
- - кафедра томонидан белгиланган мавзулар бўйича реферат ёзиш;
- - мустақил таълим доирасида берилган баҳолаш ишларини бажариш.

Жорий ва оралиқ баҳолаш турлари (, тест, химоя ва хоказо) усулларда ўтказилиши мумкин.

Яқуний баҳолашда фан бўйича дастур тўла ўтилгандан сўнг бакалавриатура тингловчисининг билими баҳоланади. Яқуний баҳо турига ажратилган баллар миқдори ўқув режасида фанга ажратилган соатнинг 30 фоизи миқдорида белгиланади. Фан бўйича яқуний баҳолаш босқичи белгиланган тартибда «қзма иш» усулида ўтказилади.

6. АДАБИЁТЛАР

Асосий адабиётлар

1. Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. - Т.: Ўзбекистон, 1999.
2. Каримов И.А. Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштириш - энг муҳим вазифамиз. - Т.: Ўзбекистон, 2000.
3. Абдуллаев қ., Шоҳаъзамий Ш.Ш. Қимматли қоғозлар. 100 савол ва жавоб – Т.: Мехнат, 1997.
4. Бутиков И.Л. Қимматли қоғозлар бозори. –Тошкент: Консадитинформ, 2001.
5. Рубцов Б.Б. Мировые фондовые рынки: современное состояние и закономерности развития. - М.: ФА. 2000.
6. Шоҳаъзамий Ш.Ш. ва бошқ. Тадбиркор қимматли қоғозлар бозорида. – Т.: Адолат, 2002.
7. Шоҳаъзамий Ш.Ш. и др. Предприниматель на рынке ценных бумаг. - Т.: Адолат, 2002.
8. Шарп У.Ф., Александер Г.Д., Бэйли Дж. В. Инвестиции: Пер. с англ. – М.: ИНФРА - М, 1999.

Қўшимча адабиётлар

1. Алексеев В.А. Рынок ценных бумаг – М.: Финансы и статистика, 1993.

2. Биржевое дело: Учеб./Под. ред. В.А. Галанова, А.И. Басова. – М.: Финансы и статистика, 1998.
3. Едророва В.Н., Мизиковский Е.А. Учет и анализ финансовых активов. – М.: Финансы и статистика, 1995.
4. Рынок ценных бумаг и его финансовые институты: Учеб. пос. / Под. ред. В.С. Торкановского, - С - Пб.: АО «Комплект», 1994.
5. Тьюлз Р., Бредли Э., Тьюлз Т. Фондовый рынок – 6 - е изд.: пер. с англ. – М.: ИНФРА - М, 1997.
6. Фельдман А.Б. ексельное обращение. - М.: ИНФРА - М, 1995.
7. Информационные бюллетени РФБ «Ташкент».
8. Информационные бюллетени «Рынок ценных бумаг», Агенства «Консаудитинформ».
9. Ўзбекистон Республикасининг молия, банк, қимматли қоғозлар бозорига оид қонуний - меъёрий ҳужжатлар. - Система «ПРАВО».